

Ҳал қилувчи дамларда мусулмон олимларининг ўрни



09:38 / 21.01.2024 1832

Тарихчи ва адиба Бэтани Хьюгс айтади:

«Уйғониш даврида Европанинг барча университетларида Арастуниги асарларини ўқиб, ўрганишни истаган талабалар фақат Ибн Рушднинг изоҳларидан фойдаланишган. Унинг исми Ибн Рушд бўлса-да, Европада ҳамма уни Изоҳловчи деб танир эди».

Ибн Рушд европаликлар янги илмларни ўзлаштириш учун мурожаат қилган машҳур мусулмон олимларидан бири эди. Ана шу уламоларнинг таъсири остида Европа тубдан ўзгара бошлади. XII аср кетидан XIII аср, унинг кетидан XIV аср келди. Европа изланувчан ва динамик ривожланаётган қитъага айланди. Испанияда реконкиста якунланди, европаликлар эса

Атлантика океанининг ортидаги Янги дунёни кашф этишди. Тарозининг палласи Ғарб томонга оғди.

Ўша даврнинг руҳини ўзида мужассам этган шаҳар ҳамон ўзининг қудрати билан кишини лол қолдиради. Миллионлаб одамлар Европа цивилизацияси камолотга етган шаҳарга ҳурмат бажо келтириш учун Флоренцияга ташриф буюрадилар. Бу шаҳарда Данте ва Петрарка, Леонардо да Винчи ва Макиавеллилар яшаган. Европанинг зулмат асридан халос бўлишига ёрдам берган ғоялар мана шу ерда дунёга келган.

Ҳозирда бунга қадимги юнон ва қадимги рим усталари илҳом бахш этган, деб ҳисоблашади. Бироқ, ҳал қилувчи дамларда Ренессанс вакиллари мусулмон олимларига суянганлар.

Ислом уламолари туфайли бу давр буюк илмий кашфиётларга тўла бўлди. Николай Коперник. Ер курраси коинотнинг маркази эмас, деган илмий фаразани ана шу инсон илк бор айтган, деймиз.

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 30 ноябрь 03-07/9089-сонли хулосаси асосида тайёрланди.